


Конституциявий ислоҳотлар- мамлакат тараққиёти асоси



Конституция бу ҳар бир давлатчилик ва фуқаролик жамиятининг асосий ҳуқуқий ҳужжати ҳисобланади. Конституция давлат ва халқ муносабатларининг тарихий ва келажагини мазмунан ўзида мужассамлаштиради.

Жамиятда барча соҳаларда ўзгариш бўлгани каби Конституция ҳам вақт ўтгани сайин, халқ ва жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб, маълум бир ўзгаришларни талаб этади.

Конституцияга ўзгартириш киритиш эҳтиёжи бу ижобий ижтимоий ҳодиса деб баҳолаш мумкин. Чунки ҳар бир жамият бу жараёнда янгиланишларга муҳтожлик сезаётган бўлади.

Маълумки Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 июнь куни Конституциявий комиссия аъзолари билан [учрашди](#).

Учрашувда давлатимиз раҳбари аҳолининг бундай фаоллигини, мамлакатимиз келажагига дахлдорлик ҳиссини юксак баҳолаб, конституциявий ислохотлар юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Шавкат Мирзиёев Конституциявий ислохотни ўтказиш зарурати нимадалигини тушунтирар экан, Шавкат Мирзиёев Конституциявий ислохотни ўтказиш заруратига тўхталиб ўтди. Унинг сўзларига кўра, ҳозирги таҳликали замонда Ўзбекистонда инсоннинг юксак ўрни ва қадрини, мамлакат учун қандай қадрият ва манфаатлар устувор аҳамиятга эга эканлигини «Конституцияда акс эттириш — давр тақозосидир» деб таъкидлади. Шу билан бирга Янгиланган Конституция мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиялари, умуман,

юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратиши лозим, - деди Шавкат Мирзиёев. Мазкур йиғилишда давлат раҳбари тўртта устувор йўналишга эътибор қаратиб, уларнинг ҳар бири бўйича таклифларини айтди.

Шунингдек **биринчи йўналиш бўйича** Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласи биринчи йўналиш сифатида, Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи экани таъкидланиб, Конституцияга “Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади”, деган нормани киритиш, Шахснинг судланганлиги ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклашга асос бўлиши мумкин эмаслиги, шунингдек, озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан инсоний муносабатни таъминлаш бўйича конституциявий асосларни мустаҳкамлаш, Маъмурий, фуқаролик, иқтисодий, жиноий жавобгарлик ва бошқа йўналишдаги ишларни кўриб чиқишда инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари – қонуний мақсадга эришиш учун етарли бўлиши ҳамда шахсга имкон қадар енгиллик яратиши кераклиги таъкидлади.

Иккинчи йўналишда “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” деган ғоя илгари сурилиб, мазкур йўналишда аҳолини уй-жой билан таъминлаш, оиланинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, болаларнинг манфаатлари ва тўлақонли ривожланиши учун барча шароитларни яратиш, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, инсон саломатлиги ва экологияни асрашга оид ўз таклифлар билдирдилар.

Учинчи йўналиш Конституцияда маҳалланинг мақомини ҳамда давлат органларининг бу борадаги вазифаларини аниқ белгилаш ҳақида бўлди. Бунда маҳаллаларнинг давлат ҳокимияти органлари

тизимига кирмаслиги, жойлардаги маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал этиши, бунинг учун давлат органлари уларга кўмак кўрсатишига оид тамойиллар ўз ифодасини топишлиги қайд этилди.

Тўртинчи йўналиш мамлакатимизда давлат бошқарувини такомиллаштириш, халқ ҳокимиятчилигини кучайтиришга қаратилгани билан жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу йўналишда устувор маслалар сифатида Давлат ҳокимияти устидан халқ назорати ўрнатилади. Конституцияга давлат органлари фаолиятида очиқлик, шаффофлик ва ҳисобдорликни, мазкур органларнинг ихчам ва тежамкор бўлишини таъминлаш юзасидан қоидалар киритиш, Ҳукуматни шакллантириш ва унинг самарали фаолият юритишини таъминлашда Олий Мажлиснинг ваколатларини кенгайтириш, Президентнинг айрим ваколатларини Олий Мажлисга ўтказиш, Ҳокимлар бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари кенгашларига ҳам бошчилик қилиши ҳақидаги қоидани Конституциядан чиқариб ташлаш, Конституцияга қонунчилик таклифларини киритиш институтини жорий этиш, (Бу қоида орқали халқ бевосита ташаббус кўрсатиш ҳуқуқини қўлга киритади. 100 минг кишидан кам бўлмаган миқдордаги фуқаролар ўз қонунчилик таклифларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш имкониятига эга бўлади). Шу билан бирга Ҳукумат ваколатларини ҳам кенгайтириб, Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимликларнинг экология, ёшлар, оилани қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш, жамоат транспортини ривожлантириш, аҳолининг дам олиши учун зарур шароитлар яратиш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича масъулиятини Конституцияда белгилаш лозимлиги қайд этилди. Конституцияга Давлат раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар аввало ўзининг инсон қадрини ифода этиши халқ ва жамият манфаатлари устуворлиги кучли давлатчилик ғояларини акс эттирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда Конституциявий ислохотлар доирасида давлат ва жамиятнинг барча институтлари ҳамда фуқаролар ҳам ўзларининг таклифларини бермоқдалар. Мазкур жараённинг ўзи ҳам

Конституциянинг ҳақиқий муаллифи ягона халқ эканлигини кўрсатмоқда. Умуман олганда мазкур Конституциядаги ўзгаришлар авваламбор, халқимиз, жамиятимиз ва давлатимиз равнақига хизмат қилади ҳамда давлатимизни дунёдан ҳаамжамияти сафидан янада мустаҳкам ўрин эгаллашига кўмак беради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенати аъзоси, сенатор
А.САНГИНОВ**